



№ 87/18 - II

2020 yil "23" oktyabr

**Учтепа туманида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва  
ички бозорда нарх-наво барқарорлигини сақлаш  
чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 24-моддаларига ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида жорий йил 16 октябрь куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида берилган топшириқлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг жорий йил 17 октябрдаги 01-22/1705-сонли хатига мувофиқ, шунингдек, туман аҳолисининг асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан кафолатли таъминлаш, ички истеъмол бозорига маҳсулотларнинг ўз вақтида етказиб берилишини тизимли мониторинг ва назорат қилиш ҳамда бозорларда нарх-наволар кескин ошишининг олдини олиш мақсадида, халқ депутатлари Учтепа туман Кенгаши,

**Қ А Р О Р   Қ И Л А Д И:**

1. Туман ҳокими Ф.Абдуллаевнинг “Учтепа туманида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва ички бозорда нарх-наво барқарорлигини сақлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

Туман сектор раҳбарларига назарда тутилган асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари кўрсаткичлари ва уларни етказиб бериш жадвалларининг ўз вақтида ва тўлиқ бажарилишини таъминлаш ҳамда назорат қилиш бўйича шахсий жавобгарлик юклансин.

3. 2020 йил 1 ноябрдан 2021 йил 1 майга қадар Учтепа туманида жойлашган деҳқон бозорларида шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

а) бозорлар ҳудудларида фақат Учтепа туман ҳокимлиги билан тегишли шартнома тузган қушхоналарда сўйилган мол ва қўй гўшти сотилишига рухсат берилади. Бунда:

бозорлар ҳудудида сотишга рухсат берилган мол ва қўй гўштига махсус белги қўйиш амалиёти жорий қилинади;

шартномада тарафлар ўртасида мол ва қўй гўштини бозорларга келишилган ҳажмда ва нархларда узлуксиз етказиб бериш шартлари назарда тутилади;

шартнома ўн беш кун муддатга тузилади ва ҳар ўн беш кунда тарафлар томонидан ўз мажбуриятларининг бажарилиши ҳолатидан келиб чиққан ҳолда унинг муддати узайтириб борилади ёки тугатилади;

шартнома шартларини тўлиқ ёки қисман бажармаган қушхонада сўйилган мол ва қўй гўшти олти ой ичида бозорларга киритилишига йўл қўйилмайди;

б) бозорлардаги мол ва қўй гўшти ҳамда балиқ сотиш растаси унинг ижарачиси томонидан бозор маъмурияти хабардор қилинмасдан узрсиз сабабларга кўра икки ва ундан ортиқ кун бўш қолдирилган тақдирда, ушбу раста бир кун ичида бошқа ижарачига берилади. Бунда:

растани бўш қолдирган ижарачи билан тузилган ижара шартномаси деҳқон бозори маъмурияти томонидан бир томонлама бекор қилинади ва фойдаланилмаган муддат учун ижара тўлови ижарачига қайтарилади;

растани бўш қолдирган ижарачига ижара шартномаси бекор қилинган кундан бошлаб олти ой ичида бозор ҳудудидан раста ажратилмайди;

в) бозорлар қошида ташкил этилган “Элга хизмат” корхоналарининг ҳар бир ишчиси (сотувчиси) кўринадиган жойга ўз шахсини ва “Элга хизмат” корхонаси ишчиси эканлигини тасдиқловчи гувоҳнома (“бейджик”) таққан ҳолда фаолият кўрсатади.

Учтепа тумани прокурори (А.Кораев), Учтепа тумани ветеринария бўлими бошлиғи (О.Хасанов) билан биргаликда ушбу банддан келиб чиқадиган зарур чора-тадбирларни амалга оширсин.

4. 2020 йил 1 ноябрдан бошлаб уч ой муддатга тажриба-синов тариқасида, “Фарход деҳқон бозори” МЧЖ қошида ташкил этилган “Элга хизмат” корхоналари расталари маҳсулотларнинг тегишлилиги бўйича бозор павильонларига жойлаштирилади.

5. Учтепа туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (А.Хужанов)га:

а) туман сектор раҳбарлари билан биргаликда:

ички бозорларга асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотларининг узлуксиз етказиб берилиши, бозорларда нарх-навонинг барқарорлиги сақлаб турилиши устидан тизимли мониторинг ўрнатиш;

зарур ҳолларда, айрим турдаги озиқ-овқат маҳсулотлар етказиб бериш юзасидан Жамғарма маблағлари ҳисобидан тадбиркорлик субъектларига фойзсиз ссудалар ва субсидиялар ажратиш тўғрисида таклифлар киритиш;

б) ҳар икки кунда Учтепа туман прокуратураси ва туман Давлат солиқ инспекциясига Жамғарма маблағлари ҳисобидан фойзсиз ссудалар ва субсидиялар олган тадбиркорлик субъектлари рўйхатини, шу жумладан улар билан тузилган шартномалар тўғрисидаги маълумотларни киритиб бориш вазифалари юклансин.

6. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлими бошлиғи (А.Хужанов), туман молия бўлими мудирини (А.Рустамов) билан биргаликда уч кун муддатда маҳаллий ишлаб чиқарилган асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини биринчи навбатда аҳоли истеъмоли учун йўналтириш, ижтимоий соҳа муассасалари ва умумий овқатланиш корхоналарига етишмаган асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини арзон импорт маҳсулотлар ҳисобидан таъминлаш механизминини жорий этсин.

7. Туман ҳокими секторлар раҳбарлари билан биргаликда:

икки кун муддатда тегишли туман секторлари раҳбарлари томонидан ўз ҳудудидаги аҳоли гавжум жойларда 2021 йил 1 майгача бўлган давр учун “Ярмарка савдо”ларини ташкил этиш режа-жадваллари ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини таъминласин ҳамда уларни умумлаштириб, халқ депутатлари Учтепа туман Кенгаши котибиятига тақдим этсин;

ҳар ўн беш кунда камида бир маротаба туманда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва ички бозорда нарх-наво барқарорлигини сақлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳолати ва келгусидаги чора-тадбирлар юзасидан оммавий ахборот воситаларида, жумладан, телевидение орқали чиқишлар ташкил этиб борсин.

8. туман адлия бўлими бошлиғи (О.Нигматов) билан биргаликда бир ҳафта муддатда мазкур қарорнинг 4-банди “а” кичик бандига мувофиқ Учтепа туман ҳокимлиги ва қушхоналар ўртасида тузиладиган шартномаларнинг намунавий шаклини ишлаб чиқсин.

9. Халқ депутатлари Учтепа туман Кенгашига ҳар ўн беш кунда туман сектор раҳбарлари, Учтепа туман прокурори, деҳқон бозори раҳбари ва бошқа мансабдор шахсларнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва ички бозорда нарх-наво барқарорлигини сақлаш борасидаги ишлари юзасидан ҳисоботларини эшитиб бориш тавсия этилсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш халқ депутатлари Учтепа тумани Кенгашининг доимий комиссиялари зиммасига юклансин.

**Халқ депутатлари Учтепа тумани  
Кенгаши раиси**



**Ф.Абдуллаев**



№ 88/18-II

2020 yil "23" oktabr

**Коронавирус пандемияси шароитида, карантин чораларининг юмшатилиши муносабати билан Учтепа тумани мактабгача таълим муассасаларни санитар талабларига мувофиқ янги 2020-2021 ўқув йилига тайёргарлик кўриш ва фаолиятини босқичма-босқич тиклаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазирлигининг 2020 йил 4 сентябрдаги “Мактабгача таълим ташкилотларда янги ўқув йилини сентябр ойидан анъанавий ва масофавий шаклда босқичма-босқич бошлаш тўғрисида”ги 133-сон буйруғи билан эпидемиологик вазият ва шароитдан келиб чиқиб, мактабгача таълим муассасалар фаолиятини йўлга қўйиш юзасидан берилган тавсиялари асосида, туман аҳолининг билдирилган таклиф ва фикрларни инобатга олган ҳолда ҳамда туман санитария-эпидемиология ва осойишталик маркази ва туман тиббиёт бирлашмаси томонидан тасдиқланган хулосасига асосан халқ депутатлари Учтепа туман Кенгаши

**Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:**

1. Туман мактабгача таълим бўлими мудирини Н.Хантураеванинг “Коронавирус пандемияси шароитида, карантин чораларининг юмшатилиши муносабати билан Учтепа тумани мактабгача таълим муассасаларни санитар талабларига мувофиқ янги 2020-2021 ўқув йилига тайёргарлик кўриш ва фаолиятини босқичма-босқич тиклаш тўғрисида”ги ахбороти маълумот учун қабул қилинди.

2. Туман санитария-эпидемиология ва осойишталик маркази томонидан ижобий тарзда берилган хулосасига асосан, тумандаги Мактабгача таълим ташкилотида янги 2020-2021 ўқув йилини тиббий ва санитария-эпидемиология талабларига риоя этган ҳолда **234, 455, 207, 251, 360, 436, 591, 20, 396, 346, 550, 19, 399, 608, 411 ва 469-сонли** мактабгача таълим ташкилотларида босқичма-босқич очилиши учун рухсат берилсин.

3. Туман сектор раҳбарлари, туман санитария-эпидемиология ва осойишталик маркази бош шифокори (А.Хасанов), туман мактабгача таълим бўлими (Н.Хантураева)га:

ҳар куни мактабгача таълим ташкилотида машғулот жараёни бошланишдан олдин ўз худудида ва хоналарда белгиланган тартибда дезинфекцияловчи воситаларни қўллаган ҳолда умумий тозалаш ишлари ўтказилсин;

ҳар куни тиббиёт ёки масъул ходимлар томонидан тарбияланувчилар ва ташкилот ходимларининг тана ҳароратини контактсиз пирометр ёрдамида ўлчаш;

барча тарбияланувчилар ва уларнинг ота оналари ва қонуний вакиллари ташкилотга тиббий ниқобда келишини назорат қилиш;

COVID-19 белгилари бўлган тарбияланувчилар, ушбу белгилар аниқланган вақтдан бошлаб тез тиббий гуруҳи ёки ўқувчиларнинг ота-оналари (қонуний вакиллари) келгунга қадар зудлик билан изоляция қилиш чоралари кўрилсин;

пандемия даврида ташкилотда оммавий тадбирлар ўтказилиши вақтинча тўхтатилсин;

пандемия даврида ташкилотда ошхона фаолияти аутсорсинг усулида иш фаолияти олиб борилсин;

бунда, коронавирус пандемиясининг олдини олиш чора-тадбирлари, сув таъминоти ва ҳожатхоналар фаолияти, дезинфекция жараёнлари тўғри ташкил этилишига алоҳида эътибор берилсин.

4. Туман ҳокими ўринбосари, маҳалла ва оилани қўллаб қувватлаш бўлими бошлиғи (З.Азимбаева), туман тиббиёт бирлашмаси (Н.Саидова):

2020-2021 ўқув йили давомида маҳаллаларда коронавирусга чалинган хонадонларни ўз вақтида аниқлаб, мактабгача таълим ташкилотларни тезкор равишда огоҳлантириш механизми йўлга қўйилсин ҳамда карантин ва даволаш чоралари кучайтирилсин.

5. Туман сектор раҳбарлари, туман санитария-эпидемиология ва осойишталик маркази бош шифокори (А.Хасанов), туман тиббиёт бирлашмаси бош шифокори (Н.Саидова), туман мактабгача таълим бўлими бошлиғи (Н.Хантураева)ларга:

Коронавирус пандемияси шароитида эпидемиологик вазиятдан келиб чиқиб, мактабгача таълим ташкилотларда ўқув йилига муносиб тайёргарлик кўриш ва ўқув йилини анъанавий ва масофавий шаклда юқори савияда ташкил этиш, тарбияланувчилар соғлиғи, уларнинг тизимли равишда машғулотларда қатнашиши бўйича шахсан жавобгар эканлиги инобатга олинсин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш халқ депутатлари Учтепа туман Кенгашининг доимий комиссиялари ва туман ҳокимининг ўринбосари (Б.Мирзаев) зиммаларига юклатилсин.

**Халқ депутатлари**  
**Учтепа туман Кенгаши раиси**



**Ф.Абдуллаев**



№ 89/18-Ў

20 20 йил " 23 " октябрь

**Учтепа тумани маҳаллий бюджетининг 2020 йил I ва II-чорак якуни бўйича шаклланган қўшимча манбалардан ажратилган маблағлар ҳамда III-чорак якуни бўйича даромадларни режадан орттириб бажарилган қисмини харажатларга йўналтириш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 6 ва 24-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 126-моддаси ва Ўзбекистон Республикасининг "2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги Қонунининг 20-моддасига асосан, Халқ депутатлари Учтепа тумани Кенгаши,

**Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:**

1. Учтепа тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Хужановнинг Учтепа тумани маҳаллий бюджетининг 2020 йил I ва II-чорак даромадларининг режадан орттириб бажарилган қисми ҳисобидан шаклланган маблағлар ҳисобидан коронавирус эпидемиясига қарши курашиш чора-тадбирларига, туман ҳудудидаги умумтаълим ва мактабгача таълим муассасаларини куз-қиш мавсумига тайёрлаш, ички йўлларни таъмирлаш ва ободонлаштириш чора-тадбирларига йўналтирилганлиги тўғрисидаги ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

2. Туман ҳокимлигининг таклифига асосан белгиланган тадбирларни амалга ошириш мақсадида 2020 йил III-чорак якуни бўйича даромадларни режадан орттириб бажарилган қисми ҳисобидан қуйидаги харажатларга маблағлар ажратилсин:

- Туман ҳокими маҳкамаси Аппарат раҳбарининг билдиргисига асосан Қўриқлаш хизмати томонидан туман ҳокимлиги биносини 24 соат қўриқлаш хизматлари учун 156,0 (бир юз эллик олти) млн. сўм;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 августдаги ПФ-5515-сонли Фармонида мувофиқ туман ҳокимлиги ва туман молия бўлими ходимларининг 2020 йил август ва сентябрь ойлари учун лавозим маошларига устама ҳаққини тўлашга 342,0 (уч юз қирқ икки) млн. сўм;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 августдаги ПҚ-3917-сонли қарорига мувофиқ "openbudget.uz" ахборот порталига 2020 йил III -чорак даромадлар режасидан орттириб бажарилган қисмининг 10,0% миқдоридан 86,0 (саксон олти) млн. сўм;

- Туман ҳокими ўринбосари Л.Алмановнинг билдиргиларига мувофиқ Куз мавсуми кириб келганлиги сабаб ва хазонрезгилик вазиятини ҳисобга олган ҳолда, туманда ободонлаштириш ишлари хажми ошганлиги сабабли, туман ободонлаштириш бошқармасига тегишли техника ва асбоб ускуналарини ёқилғи ва ёқилғи мойлаш воситалари билан таъминлаш харажатлари учун 100,0 (юз) млн.сўм;

- Тошкент шаҳар ҳокимининг фармойишига асосан мактабгача таълим муассасаларини куз-қиш мавсумига тайёргарлик мақсадида жорий таъмирлаш харажатлари учун 78,0 (етмиш саккиз) млн. сўм;

- Мактабгача таълим муассасаларининг фаолиятини тикланишини инобатга олиб дезинфекция воситалари хариди учун 49,2 (қирқ тўққиз миллион икки юз минг) млн. сўм; жами 811,2 (саккиз юз ўн бир миллион икки юз минг) млн.сўм маблағ ажратилсин.

3. Туман ҳокими мазкур қарорда кўрсатиб ўтилган харажатлар учун Туман маҳаллий бюджетининг 2020 йил III-чорак даромадлар режасидан ортириб бажарилган қисми ҳисобидан маблағларни тақсимлаш юзасидан қарорлар қабул қилинсин.

4. Учтепа туман молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлими (А.Хужанов) Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекси ва бюджет тизимига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига риоя қилиш, бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши устидан олиб борилаётган назорат ишларини янада кучайтириш чора-тадбирларини кўрсин.

5. Мазкур қарор ижроси назорати Халқ депутатлари Учтепа тумани Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислохотни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси раиси (Ж.Каримов) ва Учтепа тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари (А.Хужанов) зиммасига юклатилсин.

**Халқ депутатлари  
Учтепа туман Кенгаши раиси**



**Ф.Абдуллаев**



№ 90/18 - П

2020 йил " 23 " октябрь

**Учтепа тумани маҳаллий бюджетининг 2020 йил 9 ойлик  
ижроси якуни тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Бюджет кодекси 27-моддаси ва "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасига мувофиқ халқ депутатлари Учтепа тумани Кенгаши,

**Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:**

1. Туман Молия бўлими мудирининг А.Рустамовнинг Учтепа туманининг 2020 йил 9 ойлик маҳаллий бюджети ижроси якунлари тўғрисидаги ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

2. Учтепа тумани ҳокимининг қарор ва фармойишлари, Тошкент шаҳар Молия бош бошқармаси билан келишилган тақдимномаларига асосан амалга оширилган ўзгартиришлар ҳамда маҳаллий бюджетдан молиялаштирилладиган ташкилотлар томонидан ўтган 9 ой давомида тегишли тартиб асосида харажатлар сметаларига киритган ўзгартиришлари инобатга олинсин.

3. Туман Молия бўлими (А.Рустамов):

Учтепа тумани маҳаллий бюджетининг молиявий барқарорлигини таъминлаш, самарадорлигини ошириш ҳамда маҳаллий бюджет ташкилотларининг дебитор кредитор қарздорлигини ошишига йўл қўймаслик мақсадида 2020 йилнинг 4-чорагида туман маҳаллий бюджетидан молиялаштирилладиган бюджет ташкилотларининг харажатлар сметасига Тошкент шаҳар Молия бош бошқармасининг билдиришномалари ва тегишли ҳисоб-китобларга мувофиқ ўзгартиришлар киритиб борилсин.

4. Туман ҳокими ўринбосарлари, Иқтисодиёт ва комплекс ривожлантириш бўлими (Х.Шукуруллаев), туман Давлат солиқ инспекцияси (Р.Аширматов), туман Молия бўлими (А.Рустамов) тегишли корхона ва ташкилотлари билан биргаликда:

Маҳаллий бюджет ҳамда иқтисодий ва молиявий статистика маълумотларининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш;

қўшимча солиқ базаларини аниқлаш, бюджетга боқиманда қарздорликларни бартараф этиш бўйича тегишли чора-тадбирларни кўрсин.



5. Мазкур қарор ижроси назорати Халқ депутатлари Учтепа тумани Кенгашининг маҳаллий бюджетини шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссия (Ж.Каримов) ва Учтепа тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари (А.Хужанов) зиммасига юклатилсин.

**Халқ депутатлари  
Учтепа туман Кенгаши раиси**



**Ф.Абдуллаев**